

ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 4 апрель шанба
Сотувда эркин нархда
№ 70 (1851)

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига
Муқаддас Ийд ал-Алҳо байрами муносабати билан Қувват халқи номидан ва ўз номидан Сизга ва қардош Ўзбекистон халқига самимий қутловлар йўллаш менга улкан мамнуният бахш этади.
Барча мусулмонлар учун азиз бўлган бу байрам кунинда Қодир Аллоҳдан яхши ишларни амалга оширишда бирлигимиз, алоқалиримиз, ёрқин истиқбол ва ислом аҳли фаровонлиги йўлида ҳамкорлигинизни мустаҳкамлашни тилаймиз.
Қодир Аллоҳдан Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистоннинг қардош халқига янада раванг ва фаровонлик тилайман.
Сизга бўлган юксак эҳтиромимизни қабул айлағайсиз. Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва раҳиматуллоҳи.
Жобир ал-Аҳмад ал-САБОҲ,
Қувват давлати Амири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 3 апрель кун Европа Тиклашиш ва Тараққиёт Банки ижрочи директори Вилгелм Ягги раҳбарлигида мазкур банк Директорлари Кенгаши делегациясини қабул қилди.
— Сизнинг мазкур ташрифингиз ўзаро алоқалиримизнинг тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир, — деди Ислам Каримов. — Гарчи ташкилотингиз Ўзбекистон ҳақида кўп маълумотга эга бўлса-да, мамлака-

тимизда кечаётган жараёнлар, амалга оширилаётган ишларнинг бевосита гувоҳи бўлиш сиз учун катта имкониятдир. Юз марта эшитганда бир марта кўрган афзалроқ, деган гап бежиз айтилмаган. Шу маънода, мазкур ташриф ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш йўлида муҳим аҳамият касб этажак шубҳасиз.
В.Ягги Европа Тиклашиш ва Тараққиёт Банки Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади.

ЕТТБ Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонни энг муҳим ҳамкор санайди. Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари, асосан, минерал тошмиш ресурсларини ўзлаштириш ҳамда қайта ишлаш, энергетика комплекси, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, молия тармоғи, сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш каби соҳаларни ўз ичига олади.
Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгай-

тириш, шу кунгача келишилган лойиҳаларнинг амалга ошириш жараёни, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболдаги устувор йўналишлари билан боғлиқ масалалар ҳусулида атрофлича фикр алмашилди.
Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У.Исмоилов, Бош вазир ўринбосари Б.Ҳамидов, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқарувининг раиси Р.Азимов иштирок этди.
(ЎЗА)
СУРАТДА: қабул пайти.
А. ТўРАЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ РЕСПУБЛИКА ПИЛЛАЧИЛИК СОҲАСИНИ БОШҚАРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республикада пиллачилик соҳасини такомиллаштириш тўғрисида" 1998 йил 30 мартдаги Фармони мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:
1. Қуйидагилар асосий вазифалар этиб белгилансин:
а) "Пилла-ҳолдинг" ҳолдинг компанияси бўйича: пиллачилик корхоналари ва ташкилотларининг тут ипақ куртининг маҳсулдор турларини ҳамда дурағаларини яратиш ва жорий этиш, сифатли ипақ курт уруғи етиштириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш; сифатли пилла етиштирилишини ва тайёрлашини, рақобатбардорлиги пилла омашеси ва ипақ калава олиш учун уларни дастлабки қайта ишлашни ташкил этиш; қишлоқ хўжалиги корхоналарини ва деҳқон хўжалиқларини тут қаторлари ва майдонларини сақлаб қолганлик ва кенгайтирилганлик учун рағбатлантириш;
қуруқ пиллани, пилла тоғашеси ва ипақ калаванга тоғаше маҳсулот сифатида шартнома асосида истеъмолчиларга — "Шойи" акциядорлик компаниясининг шойи туқини фабрикалари ҳамда экспортга сотишга корхоналарга қумаклаштириш;
пиллачилик ва ипақ калава ишлаб чиқаришларининг илгор технологияларини жорий этиш соҳасида янги техника ва инвестиция сибсатини ўтказиш;
б) "Шойи" акциядорлик компаниясини бўйича:
шойи туқини корхоналарининг юқори сифатли соф ва аралаш шойи газламалар ишлаб чиқариш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;
шойи туқинининг замонавий технологияларини жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини янгилаш ва кенгайтириш бўйича корхоналарга қумаклаштириш;
шойи туқини ишлаб чиқариш тибей маҳсулотини сотиш бозорларини кенгайтириш, экспорт қилиш ҳамда маркетинг кўпайтириш бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказиш;
корхоналар акцияларини, шу жумладан хорижий инвесторларга эркин сотиш, хорижий сармоялар иштирокида қишлоқ корхоналар ташкил этиш йўли билан шойи туқин тармоғида инвестициялар устувини таъминлаш;
"Пилла-ҳолдинг" ҳолдинг компаниясини таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар руйхати, ҳолдинг компаниясининг бошқарув аппарати тузилмаси, унинг ҳудудий акциядорлик бирлашмалари намунавий тузилмаси;
"Шойи" акциядорлик компаниясини таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар руйхати ва унинг бошқарув аппарати тузилмаси;
"Ўзбек ипағи" уюшмасининг ташкилий тузилмаси ва бошқарув аппарати тузилмаси тасдиқлансин;
3. "Ўзбек ипағи" уюшмаси раҳбарлари, "Пилла-ҳолдинг" ҳолдинг компаниясини раиси ва "Шойи" акциядорлик компаниясини раиси (улар лавозимига кўра "Ўзбек ипағи" уюшмаси раисининг ўринбосарлари ҳисобланадилар) муассасларнинг умумий йиғилишида сайланадилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан лавозимга тасдиқланадилар.
Мақоми, мансий таъминоти, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари кўра уюшма раиси Ўзбекистон Республикаси вазирлари, унинг биринчи ўринбосари — вазирнинг биринчи ўринбосари, раис ўринбосарлари — вазир ўринбосарлари таъинланадилар.
"Пилла" ҳудудий акциядорлик бирлашмалари раҳбарлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан келиш-

ган ҳолда "Пилла-ҳолдинг" ҳолдинг компанияси бошқаруви қарори билан лавозимга тайинланадилар.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатга:
"Ўзбек ипағи" уюшмаси, "Пилла-ҳолдинг" ҳолдинг компаниясини ва "Шойи" акциядорлик компаниясини билан биргаликда янгида хусусийлаштирилган ипақчилик корхоналари мол-мулкни баҳолаш ва илгари давлат тасаруфидан чиқарилган корхоналар мол-мулкни қайта баҳолаш;
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги ПФ-1740 ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фонд бозорини янада ривожлантириш ҳамда давлат мулкни негизда ташкил этилган акциядорлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 1998 йил 4 мартдаги ПФ-1939 Фармонида мувофиқ ипақчилик соҳаси корхоналарини хусусийлаштириш, янги ташкил этилаётган акциядорлик жамиятлари акциялари тўрт пакетини тақсимлаш ҳамда мажбурий акциядорлик жамиятлари акцияларини қайта тақсимлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдирлар киритсин. Бунда эркин сотишга мўлжалланган акцияларнинг муайян қисми қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳамда пилла етиштирувчи жисмоний шахсларга сотилишини назарда тутсин;
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, "Ўзбек ипағи" уюшмаси, "Пилла-ҳолдинг" ва "Шойи" компаниялари, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда "Атлас" (Наманган шаҳри), "Марғилон ипағи" (Марғилон шаҳри) ва "Хоразм ипағи" (Урганч шаҳри) акциядорлик жамиятларига пиллачилик, ипақ калава ишлаб чиқаришлари ва шойи туқини фабрикаларини ажратсин ва уларнинг белгиланган тартибда мустақил акциядорлик жамиятлари сифатида рўйхатдан ўтказсин.
5. Белгилансинки:
"Ўзбек ипағи" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, "Пилла-ҳолдинг" ҳолдинг компаниясини ва "Шойи" акциядорлик компаниясини таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар руйхати ҳамда "Анджон ипағи", "Хон атлас" ва "Қумуш тола" акциядорлик компанияларининг ҳуқуқий вориеси ҳисобланадилар, уларнинг шойи туқини корхоналарининг шартномалари ва мажбуриятлари бундан мустасно;
7. "Ўзбек ипағи" уюшмаси корхоналарини реконструкция қилиш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин, унга: тут ипақ курт уруғи етиштиришнинг юқори самарали технологияларини ўрганиш ва жорий этиш;
ипақ уруғи курти етиштириш, пилла тоғашеси, ипақ шойи газламалар ишлаб чиқариш корхоналарини реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш;
ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва маҳсулотларни ички истеъмолчиларга ҳамда экспортга сотиш жараёнида ипақчилик барча қатнашчиларининг тенг иқтисодий манфаатдорлигини таъминловчи тармоқ инфратузилмасини яратиш тадбирларини маблағ билан таъминлаш юклансин.
Уюшма таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларини акциялари давлат пакетларидан олинган дивидендлар, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатлари билан бўлмаган бошқа молиявий тушумлар "Ўзбек ипағи" уюшмаси корхоналарини реконструкция қилиш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин.
"Ўзбек ипағи" уюшмаси

ларининг сотилмаган ва компанияларга берилган улушлари ҳамда уюшган аъзоларнинг таъсис бадаллари миқдоридан сотилдилар;
"Пилла-ҳолдинг" ҳолдинг компаниясини ва "Шойи" акциядорлик компаниясини акцияларини сотишдан олдин маблағлар 1999 йил 1 январгача бўлган даврда компаниялар ихтиёрида қолдирилди ва компаниялар корхоналари ва ташкилотларини реновация қилиш ҳамда улар маҳсулотини янгилаш учун фойдаланилади;
компанияларнинг траст бошқарувида берилган, тегишли компаниялар таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари уст-тав жамғармасининг 25 фоизи миқдоридagi акциялар давлат пакети раис дхлхсиз ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорисиз хусусий мулк қилиб сотилмайди;
"Пилла-ҳолдинг" ҳолдинг компаниясини ва "Пилла" ҳудудий акциядорлик бирлашмалари шўъба корхоналар бўйича йўл-бар йўл таъминлаш таъдирлари ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида "Пилла-ҳолдинг" ҳолдинг компаниясини ва "Пилла" ҳудудий акциядорлик бирлашмалари шўъба корхоналарининг бюджет ва бошқа кредиторлар олдидagi мажбуриятлардан буш молиявий маблағларини шартнома асосида қайта тақсимлаш ҳуқуқига эгадилар.
"Ўзбек ипағи" уюшмаси, "Пилла-ҳолдинг" ҳолдинг компаниясини ва унинг ҳудудий акциядорлик бирлашмалари, "Шойи" акциядорлик компаниясини хўжалик фаолиятини, шу жумладан уларнинг бошқарув аппаратлари жараятларини маблағ билан таъминлаш уларнинг ўз хўжалик фаолияти, хизматлар кўрсатиш, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига эид бўлмаган бошқа даромадлар ҳисобига амалга оширилди;
"Ўзбек ипағи" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги тугатилган "Пилла" уюшмаси томонидан тузилган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий вориеси ҳисобланади, "Пилла" ҳудудий акциядорлик бирлашмалари эса тугатилган Қорақалпоғистон Республикаси "Пилла" уюшмаси, Пиллачилар ширкатларининг ҳудудий мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳамда "Анджон ипағи", "Хон атлас" ва "Қумуш тола" акциядорлик компанияларининг ҳуқуқий вориеси ҳисобланадилар, уларнинг шойи туқини корхоналарининг шартномалари ва мажбуриятлари бундан мустасно;
7. "Ўзбек ипағи" уюшмаси корхоналарини реконструкция қилиш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин, унга: тут ипақ курт уруғи етиштиришнинг юқори самарали технологияларини ўрганиш ва жорий этиш;
ипақ уруғи курти етиштириш, пилла тоғашеси, ипақ шойи газламалар ишлаб чиқариш корхоналарини реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш;
ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва маҳсулотларни ички истеъмолчиларга ҳамда экспортга сотиш жараёнида ипақчилик барча қатнашчиларининг тенг иқтисодий манфаатдорлигини таъминловчи тармоқ инфратузилмасини яратиш тадбирларини маблағ билан таъминлаш юклансин.
Уюшма таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларини акциялари давлат пакетларидан олинган дивидендлар, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатлари билан бўлмаган бошқа молиявий тушумлар "Ўзбек ипағи" уюшмаси корхоналарини реконструкция қилиш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин.
"Ўзбек ипағи" уюшмаси

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги билан биргаликда Жамғарма маблағларини жамлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқиши ва тасдиқласин.
8. "Ўзбек ипағи" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда:
Бир ой муддатда "Ўзбек ипағи" уюшмаси, "Пилла-ҳолдинг" ҳолдинг компаниясини ва "Шойи" акциядорлик компаниясини уставларини ишлаб чиқсин;
икки ой муддатда таъсис мажлисларини ўтказсин, уставларни тасдиқласин, кузатувчи кенгашлар ташкил этисин ва "Пилла-ҳолдинг", "Шойи" компаниялари ҳамда янги ташкил этилаётган акциядорлик жамиятлари уст-тав жамғармаларини шакллантирсин.
9. "Ўзбек ипағи" уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Макронисоциёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда корхоналарини, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва қишлоқ корхоналар ташкил этиш ҳисобига, техника билан қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш ва уларнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.
10. "Ўзбек ипағи" уюшмаси Жиззах вилояти ҳокимлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда "Нисоё Ивай Корпорэйшн" компаниясини (Япония) билан суперэлит, элита ва саноят ипақ курт уруғи етиштириш бўйича қишлоқ корхона ташкил этиш тўғрисида бир ой муддатда тақдирлар тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.
11. Белгилансинки:
"Пилла-ҳолдинг" ҳолдинг компаниясининг ипақ курт уруғи етиштирувчи, пилла тўғашеси ва ипақ шойи газламалар ишлаб чиқариш корхоналарини қишлоқ хўжалиги корхоналари таркибига киритсинлар.
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, "Пилла" ҳудудий акциядорлик бирлашмалари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари тугатилган шартномаларни сақлаб қолганини ва кенгайтирилиши учун жавоб берадилар.
12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, тегишли тижорат банклари, ташкилотлар ва корхоналар "Ўзбек ипағи" уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда компания хўжалик юрutiвчи субъектларининг бюджетга туловлар, кредитлар ва бошқа молиявий мажбуриятлари, шунингдек, улар бўйича пенялар ва фойдалар оид қарзларини белгиланган тартибда қайта расмийлаштирсинлар.
13. "Ўзбек ипағи" уюшмаси, "Пилла-ҳолдинг" ҳолдинг компаниясини ва "Шойи" акциядорлик компаниясини Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчасидаги 62-уйга жойлаштирилсин, ушбу бино тасаруф этиш ҳуқуқисиз фойдаланиш учун "Ўзбек ипағи" уюшмаси балансида берилсин.
14. Мазкур қарорни бажариш билан боғлиқ бўлган ишларни мувофиқлаштириш учун ишчи комиссия тузилсин.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 февралдаги 28-сон ва 1996 йил 26 июлдаги 268-сон қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари М. Усмонов зиммасига юклансин.

МИЛЛИЙ ЭСТРАДА: МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА, МУНОСАБАТ

Бугунги ўзбек эстрадаси қандай бўлиши керак? Уни янада миллий, янада халқий қилиш учун нимага эътибор бериш зарур? Нима қилсак санъатимизнинг бу тури жаҳон миқёсига чиқадиган?
Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида "Ўзбек миллий эстрадаси: мулоҳаза, мунозара, муносабат" мавзуда бўлиб ўтган давра суҳбатида шу саволларга жавоб изланди.
Суҳбатда таниқли бастакорлар, санъатшунослар, хонандалар, шoirлар иштирок этди.
Давра суҳбатини консерватория ректори Раҳман Юнусов бошқарди.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Уткир Раҳमतов йўлбошчилик томонидан мамлакатимизда санъатни ривожлантиришга катта эътибор бериллаётганини таъкидлади. Истиқболга эришганимиздан сўнг "Ўзбекано" гастрол-концерт берилаётиши, "Ўзбекракс" миллий рақс бирлашмаси, Ўзбекистон Балий академияси, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлаш-

маси ташкил этилди. Санъатимизни дунёга олиб чиқиш учун эшиклар очилди. Лекин эстрада санъатимизда жиддий ўзгаришлар сезилмапти. Мамлакатимизда кўплаб эстрада ансамбли бўлса-да, уларнинг репертуарлари қашшоқ, кўнж ва мусиқаларида ўзбекона руҳ йўқ. Эстрадага энгил жанр сифатида қараш ҳамон давом этмоқда. Ваҳоланки, бугун миллий эстрада энг доллар ва энг оммабоп жанрга айланмоғи керак. Президентимиз миллий эстрадани жонлантириш зарурлигини, санъатнинг бу тури ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлагани эсимизда. Яхши кўнж, яхши куй инсон қалбини поклайди. Шунинг учун ҳам эстрада ҳамisha диққат марказида бўлиши лозим, лекин нотик.
Давра суҳбатида Ўзбекистон халқ артистлари Шариф Рамазонов, Фаррух Зокиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Эмирак Солиҳов, халқ артисти Саодат Қобулова, композитор Дилором Омонуллова, овоз ёши студияси режиссёри Анвар Тожиев, "Ўзгелерадиокомпания" қошидаги

эстрада-симфоник оркестри балий раҳбари Алишер Раҳимов, Тошкент эстрада-цирк коллежи директори Давлат Алимов, "Ўзбекано" гастрол-концерт бирлашмаси бош директори Анор Назаров, "Ўзгелерадиокомпания" раиси Абдусалом Қўчматов, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев ва бошқалар суҳбатда, ўзбек миллий эстрадаси олдига турган муаммолар ҳамда уларнинг ҳал этиш йўлилари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.
Асосий эътибор вилоятдаги талантларни топиш, бунинг учун туманлар, вилоятлар ва мамлакат миқёсидa эстрада фестиваллари, танловлари ўтказиш, продюсерлик, ҳомийлик ишларини жонлантириш зарурлигига қаратилди. Эстрада санъатида мусиқа, овоз ёши техникаси муҳим аҳамиятга эга. Эстрада ансамблининг, студияларнинг шундай техника билан таъминламай туриб, кўзланган мақсадга эришиш қийин. Тошкент Давлат консерваторияси, эстрада-цирк коллежини малакали мутахассислар билан тўлдирин, шoir — бастакор — хонанда ҳамкорлигини кенг йўлга қўйин лозим. Ўзбек миллий эстрадаси нафақат мамлакатимизда, балки жаҳонда ҳам ўз урнига эга бўлиши учун барча чора-тадбирларни кўрмоқ зарурлиги таъкидланди.
(ЎЗА)

ВАЗИРЛИКДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа Тиклашиш ва Тараққиёт Банки директорлари кенгаши делегацияси аъзолари Макронисоциёт ва статистика вазирлигига ташриф бурди.
Бош вазир ўринбосари, мазкур вазирлик раҳбари Б.Ҳамидов меҳмонларга Ўзбекистон иқтисодий ҳолати ҳақида амалга оширилаётган ишлар ҳақида таъриф берди. Делегация раҳбари В. Ягги Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга эътибор берди.
Учрашувда мазкур кўнж молиявий ташкилот билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар, истеъмолчи рақамлар, томонларни қизқارتган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маънавий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши "Ўзбекистон-Россия" дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлди.
Унда "Ўзбекистон-Россия" дўстлик жамиятининг ташаббускор гуруҳи аъзолари, фан ва маданият ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.
Мажлисда жамият бошқарув органи ҳамда ҳайат аъзолари сайланиб, жамият Низоми қабул қилинди. Ўзбекистон Фанлар Академияси президенти Тухтамурод Жўраев мазкур жамиятнинг раиси этиб сайланди.
Таъсис мажлисида Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Факултетида ва Мухтор Эътибор Александр Панев ҳозир бўлди.
(ЎЗА)

ЧИГИТ ЭКИШ ТУГАЛЛАНДИ

Анджон вилояти Марҳамат ва Шаҳристон туманлари вахтакорлари нафақат вилоятда, балки бутун республикада биринчи бўлиб пилла остига чигит экиши якулланди.
Марҳаматликлар 7245 гектар, шаҳристонликлар эса 8293 гектар майдонга тузекланган чигит экиш учун зарур шартларни яратди. Ер қузда барвақт тайёрлаб қўйилган, адабика ва оқин техникаси масмунига эрта шай этилаётган, механизаторлар малакаси оширилган мувофиқлаштирилган бўлди. Айрим хўжалиқларда чигит бир текис узиб чиқилди. Пахтакорлар қўлга дастлабки ишлаб беришга қариндор.
К.НИЗОМОВ,
ЎЗА мухбири.

БОЗОР БЕДАРВОЗА ЭМАС!

Бозор — юрт кўзгуси, дейдилар. Зеро, азалдан эл рўзғори бозор билан бут бўлган. Шу боис кейинги йилларда юртимизда бозорлар фаолиятини ташкил этишга, хизмат кўрсатиш майдонларини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу саноат-харакатларга, аввало, инсон манфаатлари асосий мезон қилиб олинган.
Мамлакатимиз пойтахтида, вилоят марказларида, туман ва қишлоқларда янгидан қурилган ва қайта таъмирланган қатор бозорлар бунга мисолдир. Биргина Тошкент шаҳри ҳокимлиги бозорларнинг санъатини-техника ҳолатини яхшилаш борасида кейинги йилларда бирмунча тадбирларни амалга оширди. Чунончи, «Фарҳод», «Бешёғоч», «Ширин», «Янгиобод», «Паркент», «Кўкча» каби бозорларда қайта қуриш-таъмирлаш ишлари ўтказилди, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо-сотиқ қилиш учун шартнонлар яхшиланди. «Эски жава», «Қуйлик», «Сирғали» ва «Миробод» бозорлари тубдан қайта қурилди. «Юнусобод», «Аския», «Бў» каби бозорларда катта таъмирлаш ишлари давом этмоқда.
Республикаимизда бозорлар фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Мамлакатимиз Президентининг «Бозорлар фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшма чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганга ҳам икки йилдан ошди. Зеро, мазкур Фармонда қўла тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича бир қатор ҳайрли ишлар қилинди. Чунончи, бозорларни тартибга солиш учун доимий ишловчи назорат гуруҳлари ташкил этилди. Улар зиммасига савдо, хизмат кўрсатиш қондаларини бузувчи, солиқ тўлашдан бош тортувчи шахсларни аниқлаш ҳамда маъмурий, керак бўлса жиноий жавобгарликка тортиш вазифаси юклатилди. Шу талаблар асосида бозорларда мунтазам рейд ва текширувлар ўтказилмоқда, солиқ қонунчилигини бузганларга нисбатан жиддий чоралар қўрилинди. Айни чоғда санитария-эпидемиология хизмати ҳам фаолиятини жонлантирди.
Шунга қарамай, бозорларда юзага келган аҳвол бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бераётиши. Масалан, Тошкент шаҳридаги деҳқон бозорларида дағуш, нон ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилишда белгиланган тартибларга, санитария қондаларига риоя этиш, харидорларга қулайлик яратиш масаласи ўрганилганда ҳамон бир қатор камчиликлар манжуллиги аён бўлди.
(Давоми 2-бетда).

БОЗОР БЕДАРВОЗА ЭМАС!

(Давоми. Боши 1-бетда).
Бундай ҳолат, айниқса, «Эски жува», «Олой», «Паркент», «Отчопар», «Фарход» деҳқон бозорларида кўза ташланмоқда. Пойтахт бозорларига вилоятлардан хусусий, жамоа ва фермер хўжаликларидан кунига ўртача 400 тоннадан ортиқ мева-сабзавот ва 200 тоннага яқин гўшт маҳсулотлари келтириляпти. Лекин ушбу маҳсулотларнинг 60 фоизини шаҳар бозорларида яқка ҳукмронлик қилаётган олибсотарлар кўтара харид қилиб, бир неча мартаба қимматига сотмоқдалар. Шу тўғрисида бозорларда нарх-наво пасаймапти. «Тошбоғорсавод» уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Нигмат Шокирнинг айтишича, бундай фаолият билан шугулланаётган «тадбиркорлар»нинг қарийб 90 фоизи маҳаллий бюджетга даромад солиғи тўламайди. Албатта, ноқонуний равишда савдо-сотиқ ишлари билан шугулланаётган шахсларга, харидорлар ҳақида хиёнат қилаётган олибсотарларга, санитария қоидаларига риоя қилмаётган фуқароларга нисбатан кескин чоралар кўриляпти.

Утган йили бозорларда санитария қоидаларига риоя қилмаган 1922 нафар фуқарога 1 миллион 185 минг сўм миқдорда жарима солинди, сифати гумонли бўлган, истеъмолга яроқсиз ва сақлаш мuddати ўтган 12417 литр чанқовбосди ичимликлар ва 9539 килограмм озиқ-овқат маҳсулотлари савдолдан олиниб, йўқ қилинди. Шу жумладан, «Отчопар» буюм бозорида санитария қоидаларини бузган 1150 кишига жами 686710 сўм миқдорда жарима солинди, санитария-гигиена қоидалари ва эпидемияга қарши кураш чора-тадбирларини қўпол равишда бузган 41 нафар фуқаро иши бўйича ҳужжатлар прокуратура идораларига топ-

ширилди. Бироқ кўрилган қатъий чораларга қарамай, «Отчопар» буюм бозорида тез бузилувчи, сифати гумонли бўлган, истеъмол қилиш мuddати ўтган, мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган маҳсулотлар билан ҳамон савдо қилиш ҳоллари давом этмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, кунига Тошкент шаҳридаги деҳқон бозорларига вилоятлардан 200 тоннага яқин гўшт сўйилган ҳолда келтириляпти. Афсуски, уларнинг асосий қисми озиқ-овқат маҳсулотлари ташвиш мутлақо яроқсиз бўлган транспорт воситаларида санитария қоидаларига хилоф равишда, ветеринария кўригидан ўтказилмасдан пойтахт бозорларига келтирилмоқда.

Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология ва ветеринария хизматлари ўтган йили биргина «Эски жува» бозорининг ўзида қарийб 38000 килограмм гўшт, 16889 килограмм гўшт маҳсулотлари ва 979 килограмм сўт маҳсулотларини истеъмол учун яроқсиз деб топиб, савдолдан олиб қўйди. Вилоятлардан келтирилган гўшт маҳсулотларининг аксариятида истеъмол учун яроқчилигини тасдиқловчи ҳужжатлар йўқ. Дарвоқе, «Эски жува» бозорига яқин жойлашган маҳаллаларда ушбу шартномада кўп миқдорда тирик мол ва қўйларни сўйиб сотиш ҳоллари мавжуд бўлиб, бунда ҳамма вақт ҳам ветеринария ва санитария қоидаларига риоя этиляпти, деб бўлмайди.

Шу йилнинг икки ойида эса 5600 килограмм гўштининг яроқсизлиги аниқланди. Гўшт ва сўт маҳсулотларини сотишда мавжуд тартибга риоя этмаганликлари учун 1997 йилда 12240 шахсга 2 миллион 136 минг сўм, шундан «Эски

жува» бозорига 4139 шахсга 1 миллион 218 минг сўм, 1998 йилнинг икки ойи давомида 2010 шахсга 411 минг сўм, шундан «Эски жува» бозорига 251 минг сўм миқдорда жарималар солинган бўлишига қарамай, бундай тадбирларнинг таъсир кучи унча сезилмаяпти. Нега? Эҳтимол, бу жарималар келатган мўмай даромаднинг олдига денгизлан

нитария талабларига жавоб бермайдиган шартномада уйда тайёрланган турли таомлар ва қандолат маҳсулотлари билан савдо қилишга йўл қўйган 26 нафар жавобгар шахсга 20 минг 250 сўм, 139 фуқарога эса 93000 сўм миқдорда жарима солинди. «Паркент» бозори ҳудудига рухсатсиз, санитария талабларига мутлақо жавоб бермай-

бон» корхонаси ишлаб чиқараётган «Туркманистон чўрақ нони» мейёрдаги 1000 грамм ўрнига 867 грамм, «Махсус батон нони» 450 грамм ўрнига 427 грамм, «Буханка» нони 600 грамм ўрнига 580 грамм вазнда сотилган. Ҳамза туманидаги «Гули нон» корхонаси эса 600 граммлик «Буханка» нонидан қарийб 30 граммдан уриб қолган. Ун ва макорон маҳсулотлари савдосида тарозидан уриб қолиш ҳоллари «Паркент», «Ширин» бозорлари ҳудудларида жойлашган дўконларда кўп ўчмоқда. Оқлик — поклик, деймиш. Ахир уни тарозидан уриб қолиш, нон маҳсулотларини белгиланган мейёрдан кам қилиб тайёрлаб сотиш

кин баҳоси бир хил. Нон сотувчилар аксарият ҳолларда санитария талабларига риоя қилишмаяпти. Сотувга чиқаришган нонлар эски тушаклар, кир матолар билан уриб қўйилган. Кўпгина бозорларда нон маҳсулотларини сотиш учун ажратилган жойлар махсус жиҳозланмаган. Утган йили давлат санитария хизмати ходимлари шаҳардаги 33 нафар новвойта 24050 сўм миқдорда жарима солишти, 31 та новвойхона ёпиб қўйилди. Лекин бу ҳолларда аҳоли ўзгаргани йўқ. Чамаси, нон ёпиш учун санитария рухсатномалари берилётганда бу иш билан шугулланмоқчи бўлаётган фуқароларнинг мавжуд шароитлари етарлича ўрганилмаяпти.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Санитария қонуниларини бузганлик учун жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Эртанин кунлар исби кетгач, тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари, уш шартномада тайёрланган таомлар, қўлбола чанқовбосди ичимликлар билан бозорларда савдо қилишнинг олдини олиш зарур бўлади. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, мазкур Фармон аҳоли яшаш ҳолатларининг санитария-эпидемиология ҳолатини, айниқса, бозорларнинг санитария аҳолини яхшилашга қаратилган муҳим ҳужжатдир. Эндиликда ушбу Фармонга қўра, туманлар ва шаҳарлардаги аҳоли яшаш жойларининг, чунки, бозорларнинг санитария-эпидемиология вазияти учун коммунал ва санитария хизматлари раҳбарлари билан биргаликда ҳокимлар шахсан жавобгардирлар. Шу ўринда шаҳар бозорларида санитария ҳолатини яхшилаш тўғрисида айрим тақдирларни ўртага ташламоқчи эдик.




томчилар. Шу боис ҳам айрим-айрим амалдаги тартиб-қоидаларни бузиш оdatий ҳолга айланиб қолмоқда.

Хонадонларда тайёрланган турли иссиқ овқатлар ва пиширилган санитария қоидаларига зид ҳолда сотиш, айниқса, «Отчопар» бозорига да кенг туо олган. Бу иш билан шугулланаётганлар савдо рассталари орасида юриб харидорларга ноқулайлик туғдириб, таом сотиляпти. Ҳўш, бунга ким йўл қўймоқда, деган савол туғилиши мумкин. Бундай ҳоллар, аввало, бозор маъмурияти, қолаверса, шаҳар давлат солиқ бош бошқармасининг, санитария-эпидемиология хизматининг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашуви тўғрисида келиб чиқмоқда.

Дарвоқе, бозорлар ҳудудида фуқаролар томонидан са-

донқурлик эмасми?! Одамларнинг алдаш, нарх-наводан, тоштарозидан уриш — қадим замонларда ҳам, мусулмончиликда ҳам ғуноҳи азим ҳисобланган-ку?

Харидор ҳақидан уриб қолиш ҳолатини бозорда маҳсулот сотётган новвойлар фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Баъзан ёлган нон ёки патир нонни кўчдан ажратолмай қоласиз. Вазни енгил, ле-



ДАМ ОЛИШ КУНИ
НЬЮ — ЙОРК. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 52-сессиясида муамлоларнинг икки баури — Йид-ал-Фитр ва Йид-ал-Адҳани мазкур ташкилот тақвимидаги дам олиш кунлари рўйхатига киритиш масаласи овозга қўйилди. Натижда бу икки мўтабар байрам ташкилот тақвимида дам олиш кунли сифатида жой олди.

Ушбу қарорга ташкилотдаги 185 мамлакат вакилининг атиги 23 нафари қарши овоз берди.

ДАЪВО АССОСИЗ, ДЕБ ТОПИЛДИ

ВАШИНГТОН. Федерал суд Президент Билл Клинтонга қарши Пола Жонс томонидан билдирилган даъво асосиз, деб топди. Яъни, даъвогар Президентни судга берчи учун етарли ва ишончли далилларга эга эмас.

Пола Жонсинг «командаси» эса ҳамон уни «қаттиқ жабр кўрган аёл» сифатида «таъсирлаб», мазкур масала қайта қўриб чиқиши лозимлигини айтмоқда. Лекин адвокат Боб Бенет унинг икки юз саҳифалик асосномасида Поланинг даъвоси ҳақиқатдан йироқ экани ва Президентга «таъсирлаб», турли сиёсий мақсадларга эришиш мuddасида уюштирилганини қатъий таъкидлаган, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот мақамаси.

ҚАРОРГОҲ ИШГОЛ ҚИЛИНДИ

ПНОМПЕН. Камбожада «қизил кхмерларга қарши ҳукумат қўйилган кенг миқёда кураш олиб бормоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда, исёнчиларнинг қароргоҳи саналган Англонгента тумани ҳукумат аскарлари томонидан тўла ишго қилинган. Исёнчилар йўлбошчиларининг бир гуруҳи эса Таиланд чегарасига томон қочган.

ВИЗА ҲАҚИ ОШИРИЛДИ

СЕУЛ. Жанубий Корея ташқи ишлар ва ташқи савдо вазирлиги хоржий фуқароларнинг мамлакатга кириши учун виза ҳақи ошганини эълон қилди. Бундан буён бир марта берилган визалар учун 90 кунга илгаригидек 20 АҚШ доллари эмас, балки 30 АҚШ доллари тўланади. Кўп марталик визалар учун эса энди 50 АҚШ доллари эмас, балки 80 АҚШ доллари олинади.

САЙЛОВ НИХОЯСИГА ЕТДИ

ЕРЕВАН. Арманистонда Президент сайлови ниҳояси етди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, Роберт Кочарян 59,48 фоиз овоз олиб, сайловда ғалаба қозонган. Унинг рақиби Карен Демирчян эса 40,52 фоиз овоз олишга муваффақ бўлган. Арманистон Конституциясида бинано, сайлов комиссияси натижаларни қўриб чиқиб, 7 апрел кунли голибни расман эълон қилиши керак.



ЛУҚМА БУ ҚАНАҚАСИ БЎЛДИ?

«1997 йил Нарпай тумани Ибн Сино номли деҳқон хўжалиқлари уюшмаси номига қўшилмача ер сўраб мурожаат этдим ва тегишли қарорларни чиқариб, туман ҳокимида бердим. Лекин у бизнинг қарорларни тасдиқламади. Шундан сўнг юқори ташкилотлар қабулида бўлди. Улар арзимасликни вилоят ҳокимлигига юборишди. Лекин у ердан шу пайтгача ёрдам бўлмаган йўқ».

Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги Очил Раҳмонов номли деҳқон хўжалиги раиси О. Раҳмоновнинг «Халқ сўзи» газета таҳририятига шу йилнинг 26 январида юборган аризасидан.

Мазкур шикоят мактубини текшириш ва зарур чоралар кўришни сўраб туман ҳокимлигига юборгандик. Яқинда у ердан жавоб мактуби олинди.

О. Раҳмонов номли деҳқон хўжалиги раиси 1997 йилнинг 31 июлида туман ҳокимида хат билан мурожаат этиб, унга қўшилмача 4,3 гектар ер ажратишни сўраган, — дейилди Нарпай тумани ҳокими жаноб А. Жамилев имзо қўйган мактубда. — Ушбу хатта деҳқон хўжалиқлари уюшмаси аъзолари вакиллар йиғилишининг қароридан кўчирмани илова қилган.

Туман ҳокими бу йиғилишга шахсан ўзи иштирок этганини ва ҳеч бир деҳқон хўжалигига ер ажратилмаганини кўчирманинг ҳаққонийлиги ҳокимият назорат инспекцияси ва Нарпай туманлараро прокуратураси томонидан қўриб чиқилган. Текшириш жараёнида Ибн Сино хўжалиги аъзолари вакиллари йиғилишининг қароридан кўчирма сохта эканлиги аниқланган, яъни бу қарор умумий йиғилишлар баёни ёзилган дафтарда йўқ бўлиб қиққан. Аризаларни рўйхатга олиш дафтаридан ҳам О. Раҳмоновнинг ер сўраб ёзган аризаси рўйхатга олинмаганини ва умуман бу йиғилишда О. Раҳмонов номли деҳқон хўжалигига ер ажратиш масаласи қўриб чиқилмаганини аниқланган.

Шундан сўнг О. Раҳмонов Ибн Сино номли хўжалик аъзолари умумий йиғилишига қўшилмача ер сўраб мурожаат этган. Унинг аризаси 1998 йилнинг 2 март кунли бўлиб утган умумий йиғилишда муҳокама этилиб, унга хўжалиқнинг дашт қисидан қўшилмача ер майдони тақдир этилган. У уймага яқин жойдан олмади, деб талаб қўйиб, тақдирини рад этган. Сўнгги йиғилиш О. Раҳмоновга қўшилмача ер ажратишни рад этиб, қарор қабул қилган.

Таҳририятда: бу қанақаси бўлди? Назаримизда адолат талаб қилаётган кишининг ўзи, аввало, адолатни йўл тутмоғи лозим эмасмикин? Шунда юзимиш шувит бўлмайди.



Наманган шахридаги нотўқима ҳиссадорлик жамияти бозор иқтисодиёти шартидан келиб чиққан ҳолда иш юритмоқда. Бу эса корхонада ишлаб чиқариш суръатининг ошишига, ишчи хизматчиларнинг меънақатдан манфаатдорлиги кўпайишига хизмат қилаётди. Бу ерда болалар ўйинчоғи тайёрлаш бўйича Германиянинг «Текстинга» фирмаси билан ҳамкорлик яхши самаралар бераётди.

Айни вақтда тикувчи Умидахон Тургунова (суратда) сингари тикувчиларнинг кўйрочқоқлари Германия, Италия ва Ҳамдустлик мамлакатлари кўрғазмаларида қатнашиб, фахрли ўринни олмақда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР-КЕНГАШ

Самарқанд тумани ҳокимлигида мамлакатимиз Президентининг фармонлари ва ҳукумат қарорлари бажарилиши устидан таъсирчан назоратни тошқил этиш ҳамда ҳудудий назорат инспекциялари фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича минтақавий семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Президент

девори Назорат инспекцияси ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан тошқил этилган бу анжуманда Самарқанд, Бухоро, Қошқодорё, Сурхондорё ва Навоий вилоятлари ҳоким ўринбосарлари, ҳудудий назорат инспекциялари раҳбарлари катношди.

Семинар иштирокчилари Самарқанд тумани ҳокимлиги ва назорат инспекциясининг бу борадаги иш тажрибасини ўргандилар. Қайд этилдики, туман корхона ва ташкилотларида, идора ва муассасаларида, хўжалиқларида Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари талаблари асосида холқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш, маҳсулот сифатини яхшилаш, янги иш ўринлари ташқил этиш, аҳолини икти-

ҲУҚУҚИЙ САБОҚ

Бозор иқтисодиёти шартномада шартномалар барча мутлақ шиклидаги корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва тадбиркорлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг тартибга солуви асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Шартномаларнинг етакчилик роли ва иқтисодий муносабатларнинг янги тамойиллари ҳуқуқий жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг «Мулқ тўғрисида», «Корхоналар тўғрисида», «Кооперация тўғрисида», «Ижара тўғрисида» ва бошқа қонуналарда, шунингдек, янги Фуқаролик кодексидан белгилаб қўйилган.

Шартнома — икки ёки бир неча шахсининг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувидир. Иқтисодий муносабатларда эса шартнома хўжалик субъектлари (тарофлар) ўртасидаги мажбуриятларнинг келиб чиқиши учун асос бўлиб, уларнинг иқтисодий фаолиятини режалаштириш ва тарофларнинг мулкий муносабатларининг ҳуқуқий шакли ҳисобланади.

Амалдаги хўжалик шартномаларини тузиш ва уни бажариш борасида кўпалат хато ва камчиликларга йўл қўйилганлигига сабаб уларнинг номтағини тузиш ҳоллари давом этаётганлигидир. Шартнома мажбуриятларини қабул қилаётган тарофлар бу мажбуриятларнинг бажариш имконияти бор ёки йўқлигини тахлил этишларига, Натижда кўпчилик ҳолларда шартномалар талаб даражасида ёки умуман бажарилмай қоляпти.

Агарда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди тизимида 1997 йилда кўрилган иш ажунари тахлил қилинса, уларнинг асосий қисми, аниқроғи, 6200 тадан зиёроқ низола, мажбуриятларнинг лозим даражада ёки умуман бажармаслик натижасида келиб чиққанлигини кўради. Бошқача айтганда, ҳозирги кунда ўзаро шартномавий муносабатларда бўлган хўжалик субъектлари шартнома юзасидан ўз олдларига қўйилган вазифаларни, мажбуриятларни ё мазмунан тушуниб етишмаган, ёки имконият даражасини ҳисоблаб чиқармасдан бу мажбуриятларни бажаришни ўз зиммаларига олганлиги куза-

кабрь ҳолатига кўра, 2865400 сўм қардор бўлиб қолган. Томонлар ўртасида тузилган шартномада вақтда тўланмаган пулнинг 2 фоизи миқдорда жарима қўллаш белгиланган. Демак, «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси қайд этилган қарз учун ҳар кун 57308 сўм жарима тўлаши лозим. Ана шу шартномавий муносабатдан келиб чиққан ҳолда хусусий фирма хўжалик судига мурожаат қилиб, бошқарманинг кейинчалик тўлаган қарзларини ҳисобга олиб, 7852872 сўм жарима ва 1309196 сўм асосий қарзни ундириб беришни сўраган. Ишни суд муҳокамасида кўриб

ШАРТНОМА... ЮКСАЛИШИМИЗ ОМИЛИ

гдек қардор томонидан олинган мажбуриятларини бажармаганлиги оқибатида кредитор кўрган зарарини қоплашдан иборатдир.

Бажарилган ишлар, кўрсатилган турли хил хизматлар, етказиб берилган маҳсулотлар учун шартномаларда белгиланган мuddатлар ва шартларга риоя қилмаслик, ҳисоб-китоб мажбуриятларини ўз вақтида амалга оширишмаслик натижасида кўпчилик ишлаб чиқариш корхоналари ўз ихтиёрлари билан ҳисоб-китоб ишларини туғри ва ўз вақтида амалга оширишсини таъминлаш мақсадида шартномаларга жуда катта миқдордаги ҳақ тўламаганлик учун жарималарни қўллашмоқда. Истеъмолчилар эса ўз навбатида маҳсулотларни ўз вақтида етказиб берамаганлик учун тегишли миқдорда жарималарни шартномаларга киритишмоқда.

Қарши туманидаги «Зиё» хусусий фирмаси ва «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси ўртасида 5000 тонна техник туз етказиб бериш тўғрисида 46-сонли шартнома тузилган. Шунга кўра, хусусий фирма б ой давомида тузни етказиб бериш мажбуриятини олган, бошқарма эса тузнинг ҳар 50 тоннасида белгиланган нархда пул ўтказиши лозим бўлган. Лекин фирма томонидан етказиб берилган 918 тонна, яъни 4865400 сўмлик туз учун бошқарма 2000000 сўм вексел тўлаган ва 1996 йилнинг 17 де-

казиб берган кичик корхона кредитор сифатида шартнома суммасининг 10 фоизи миқдорда ёки кунига 125000 сўмдан жарима қўллаш судга мурожаат қилган. Суднинг қарори билан асосий қарз ва 700000 сўм жарима ундирилди.

Қайд этилган мисоллардан кўриниб турибдики, бу тарafdан ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаслиги иккинчи тарафи томонидан шартнома шартларини охиригача бажармасликка сабаб бўлган. Натижда иккала тараф ҳам ўзларининг шартнома тузиш вақтидаги тегишли режаларини амалга ошира олмайд қолган. Аслида эса шартномаларни ўзгартириш ёки бекор қилиш тарофларнинг келишувига мувофиқ бажарилиши лозим.

Агарда шартноманинг ижро этилишини бир томонлама рад этиш қонунида ёки томонларнинг битимида кўзда тутилган бўлса, амалдаги қонуни ҳужжатларида бундай рад этишга йўл қўйилмади. Одатда бир томоннинг шартнома шартларини буютиш муносабати билан иккинчи томоннинг қабул қилинган мажбуриятларини ижро этишни рад этиш ҳоллари кўп ўчрайди. Юқорида қайд этилганидек, юк олувчининг етказиб берилган маҳсулот қийматини тўлаш мuddатларини мунтазам равишда бузаверши маҳсулот етказиб берувчи (юк жунатувчинини) ишни тўхтатиб қўйишга ва ўзаро олдберди масалаларини бутунлай бузишга олиб келалади.

Шартнома шартларини мазмунан ўрганиб чиқиш, унда зиммага юклатилган мажбуриятларини ҳуқуқий тахлил қилиш ҳар бир хўжалик субъектининг, ҳар бир тадбиркорнинг асосий вазифаси бўлмоғи даркор. Агарда шартномада белгиланган шартларнинг ҳуқуқий оқибатлари нимадарага олиб келишини тахлил қилиш имконияти бўлмаса, бундай вақтда ҳуқуқий хизмат ходимларига, адвокатларга мурожаат қилиш лозим. Токи, шартнома мажбуриятларининг тулиқ бажарилиши таъминланиб, унинг лозим даражада бажариш ёки бажармаганлик натижасида корхоналар моддий зарар кўриб қолмасин.

Камол УБАЙДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судлов таркиби раиси, Мурод АЛИМ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

ЮРТ РАВНАКИГА ДАХЛДОРЛИК

Бу йил баҳор водийга одатлагидан анча кеч келди. Остонада кўкдам нафаси уфуриб қолганлигига қарамай кишининг изгирили кунлари сезилиб турди. Лекин, деҳқон барибир далага отланди.

Учкўприклик деҳқонлар ҳам экишти киш ишларини куёш йилт этган кунларда бошлаб юбордилар. Вилоятда Учкўприк деҳқонларининг ўзига хос деҳқончилик санъатлари, кўп йиллик тажрибалари алоҳида ҳурмат-эътибор, эъзоз топган.

Ҳар йили ерга уруғ қалаш арасида ўтказиладиган анъанавий йиғилиш азалий уду — далага кўш олиб чиқиш машаратига айланиб кетди. Одатда йиғилишлар туман марказида ёки бирорта танқиди хўжалиқининг боғу роғида ўтказиларди. Бу йил туман ҳокимлиги шундай «кўргазмали» йиғилишдан воз кечди. Деҳқонлар машарати туманининг энг чекка Отажонов жамоа хўжалиқидиги Жаҳоний Каримова етакчилик қилаётган 16-бригадасидиги дала шийнонида ўтказилди. Йиғилишларнинг айтишича, Қуммозор қишлоғида бундай катта йиғин ўтказилганлигини деярли эслашолмас экан.

Деҳқонларнинг маслаҳат йиғилишида сўзга чиққанлар ислохотларнинг амалга оширилишига хизмат қилаётган Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалиқи кооперативи (ширкат хўжалиқи) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиқи тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиқи тўғрисида»ги қонун лойиҳаларига ў ёки бу даражада ўз муносабатларини билдириши.

Биринчи бўлиб туман ҳокими Азимжон МУХИДДИНОВ сўз олди.

— Юртимиз истиқлолга эришгандан сўнг агросаноат мажмуи тармоғида улкан ўзгаришлар рўй берди, десак муволажа бўлмайдими. Айни кунларда катта манфаатдорлик ҳисси билан чуқур ўрганилиб, муҳокама қилинаётган тўртта қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини ана шу ўзгаришларнинг ўзига хос инъикоси деб ҳисоблаш мумкин.

Одатда мамлакат Олий Мажлисига тақдим этилган қонун лойиҳалари парламентнинг навбатдаги сессиясига 1-2 ой қолганда умумхалқ муҳокамасига ташланарди. Мазкур қонун лойиҳаларининг мамлакат иқтисодиётида, ҳуСУсан агросаноат комплексини муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътиборга олиниб, навбатдаги сессиядан ярим йил аввал умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилди. Бу узоқ муддатли таҳлил, ҳужжатларни чуқур ўрганиш нафақат қонунларнинг пухта, пишиқ бўлишини таъминлабгина қолмай, балки мамлакатимизда демократик тамойилларнинг қатъий қарор топиб бораётганлигини ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Биз шу қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган йиғилишдан аввал ўзини туман ҳаётидан бир зум ҳам айри тутмайдиган пиру-болавларнинг тўплаб, деҳқон йили бошлангичдан аввал дуоларини олишга чорладик. Уларнинг аксарият қисми мазкур лойиҳаларнинг жуда вақтида муҳокама қилинаётганлиги, мамлакатимиз иқтисодиётида деҳқонларнинг ҳақуқуқларини янада кафолатланишини алоҳида мамнуният билан гапириб ўттиши.

Деҳқончилик йили бошлангичдан анча аввалча эканлигини майдонларини ижарачилар қўлига топширишга қарор қилдик. Шу мақсадда ҳамма жамоа хўжалиқлари ширкатлар уюшмаларига айлантирилди. Бу уюшмалар эса ижарачилар билан ўзаро шартномалар тузишди. Бошқача қилиб айтишганда, энди деҳқон кўнглини бир ерга қўйиб меҳнат қиладди. Эртага «ранс ермини олиб қўйса, нима қиламан» деган кайфиятга юрмайди. Оилавий пудрат, ижара муносабатлари «Қишлоқ хўжалиқи кооперативи (ширкат хўжалиқи) тўғрисида»ги қонун лойиҳасида деярли мукамал ифодасини топганлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Шу ўринда мазкур лойиҳага баъзи бир тақдирларини ҳам билдирмоқчи эдим. Лойиҳанинг 7- моддасида «Қишлоқ хўжалиқи кооперативи (ширкат хўжалиқи) аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» белгиланган. Шу модданинг 1-қисмидаги «Ўз меҳнати нати-

жаларига мувофиқ даромадлар олиш» жумласидиги «мувофиқ» сўзидан сўнг «муноғам даромадлар олиш» деб кўрсатилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу бир сўз киритилиши билан ширкат хўжалиқи аъзоларининг манфаатдорлик ҳуқуқи кафолатланишига алоҳида эътибор қаратиларди, деб ҳисоблайман. Ушбу моддада ширкат аъзоларининг нафақадорлик тўғрисидаги ҳуқуқларини ҳам ўз ифодасини топса, айни мудоао бўларди.

ЕР ТҮЙСА — ЭЛ ТҮЯДИ

Биз ҳозиргача собиқ иттифоқ қонунлари руҳида тайёрланган «Ер тўғрисида»ги қонунга амал қилиб келдик, — дейди вилоят ер тузиш ва ерлан фойдаланиш бошқармасининг тумандаги бош мухтасисни Рашидшоҳ САТИМОВ. — Мазкур қонунда мунозарали ўринлар кўп бўлганлиги сабабли ҳам давлат ва хўжалиқлар, хўжалиқлар ва ижарачилар, томорқачилар, ёрдамчи хўжалиқлар, қўйиники, ерга дахлдор кишилар ўртаси-

саноат мажмуида ислохотларни чуқурлаштиришга хизмат қилади, деб ҳисоблайман. Қонун лойиҳаларини чуқур ўрганиш айрим моддаларга қарама-қаршиликлар борлигини ҳам кўрсатяпти. Хусусан «Ер кодекси» лойиҳасининг 52-моддаси, 2-қисмида «Қишлоқ хўжалиқи кооперативларининг (ширкат хўжалиқлари) ерларида фермер хўжалиқлари кооперативлар (ширкатлар) аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига биноан тузилиши мумкин эмас», деб кўрсатилган. «Фермер хўжалиқи тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 6-модда, 2-қисмида эса «Қишлоқ хўжалиқи кооперативи (ширкат хўжалиқи) бошқаруви фермер хўжалиқини ташкил қилиш тўғрисидаги масалани умумий йиғилиш муҳокамасига киритиш, йиғилиш хусусида тегишли қарор қабул қилади», деб қайд этилган. Бу қонун лойиҳаларидиги қарама-қаршиликларни бартараф этиш учун «Ер кодекси» тўғрисидаги қонун лойиҳасининг 52-моддаси 2-қисмидаги «Фермер хўжалиқлари, кооперативлар (ширкатлар) аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига биноан тузи-

эски қолхозлар уставидан, унинг кўплаб низомиридан тўданан фарқ қилишини аниқлаб олдим. Лойиҳанинг умумий қондалари бобида айтилганидек, қишлоқ хўжалиқи кооперативи (ширкат хўжалиқи) — товар қишлоқ хўжалиқи маҳсулотни етиштириш учун пай усулига ва асосан оила (жамоа) нурадига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларида эга мустақил хўжалиқ юритувчи субъектлар. Лойиҳанинг 8 та бобида ифодаланган барча моддалар фақат ширкат ва ширкат аъзолари манфаатига хизмат қилади.

Шу ўринда лойиҳани ўрганиш бора-сида тутилган айрим мулоҳазаларини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Лойиҳанинг 5-боб, 15-моддасида қишлоқ хўжалиқи кооперативининг (ширкат хўжалиқи) мулкни тўғрисидаги масалалар ўз ифодасини топган. Шу модданинг 5-қисмида мол-мулкни сотиб олиш, ижарага бериш ёки вақтинча фойдаланиш тўғрисидаги масалалар жуда қисқа ёритилган. Бу қисмда фақатгина «Қишлоқ хўжалиқи кооперативи (ширкат хўжалиқи) юридик ва жис-

ҳўжалиқи бошқармаси юридик хизмат кўрсатиш бўлими бош мухтасисни Аббосхон АКБАРОВ.

— Бу соҳада тўпланган кўп йиллик тажрибамга асосланиб, қонун энг ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида, жаҳон андозаларига мос тайёрланганлигини эътироф этмоқчиман. Шу билан бирга лойиҳалар айрим жузъий камчиликлардан ҳам холи эмас. Лойиҳанинг 6-модда, 4-қисмида «Қишлоқ хўжалиқи кооперативи (ширкат хўжалиқи) бошқарувининг (раисининг) кооперативга (ширкатга) қабул қилиш тўғрисидаги қарори кооперативнинг (ширкатнинг) умумий йиғилишида ариза берган шахсининг иштирокида маълумланиши лозим» дейилган. Мен шу жумладиги қавс ичида ёзилган (раисининг) сўзи олиб ташланишини таклиф қилардим. Чунки ширкатда умумий йиғилиш ваколатидиги масалаларни раис эмас, балки хўжалиқ бошқаруви ҳал қилади. Шунингдек, мазкур жумладиги «маълумлаш» сўзини «тасдиқлаш» сўзи билан ҳам алмаштиришни таклиф қилардим.

— Маълумки, фермер хўжалиқлари ҳам

да»ги қонун лойиҳаси анча мунозараларга сабаб бўлди. Мазкур лойиҳанинг муҳокамасини бошлаб берган туман қишлоқ ва сув хўжалиқи бошқармаси бошқармаси ўринбосари Комилжон ЖУРАЕВнинг таклифини алоҳида диққат билан тинглатди.

— Муҳокама этилаётган лойиҳанинг 7-моддасида деҳқон хўжалиқлари ер бериш тартиби ифодаланган. Мазкур моддада «Қишлоқ хўжалиқи кооперативлари (ширкат хўжалиқлари) бошқа қишлоқ хўжалиқи ва ўрмон хўжалиқи қорхоналари, муассасалари ва ташкилотлари аъзоларининг оилаларига, шунингдек қишлоқ жойларда яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мухтасисларнинг оилаларига деҳқон хўжалиқи юритиш учун мерос қилиб қолдирилган умрбод эгаллик қилишга, ер участкаси, иморат ва ҳовли эгаллигига майдонни ҳам қўшилади суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилайдиган (далаллик) ерларда 0,5 гектар ўлчамда, чул ва сахро миқдасида эса суғориломайдиган (далаллик) ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилади», дейилган.

Албатта, бу маълуқ таклиф, лекин аҳолиси ўта зич бизнинг туманимизга ўхшаган жойларда анча мунозаратга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам мазкур жумланинг «Майдонни ҳам қўшилади» деган сўзлардан сўнг «Маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда» деган жумлани қўшиб қўйишни таклиф қилар эдим.

— Сунтиг йилларда туманимиздаги етакчи тармоқ — чорвачилик анча оқиб қолганлиги кўпчиликка яхши маълум, — деб сўз бошлади туман қишлоқ ва сув хўжалиқи бошқармаси бошқармаси чорвачилик бўйича ўринбосари Шокиржон КАРИМОВ. — Наслчиликка ихтисослаштирилган туманимизда бу соҳанинг эътибордан четда қолганлиги чорвачилик истиқболига раҳна солиши мумкин. Туманимиздаги 9 та фермадан 4 таси наслчиликка ихтисослаштирилган. Туман ҳокимлиги тармоқдаги аҳолини тўдан яхшилаш чораларини кўрмоқда. Ахир, бундан 7-8 йил аввал ҳар бош сигирдан 3000 килограмм атрофида суг соғиб олаётган хўжалиқда ўтган йили ҳар бош сигирдан суг соғиб олиш 1200 литрга тушиб қолди. Муҳокама қилинаётган янги қонун лойиҳалари ҳам тармоқдаги аҳолини ўнглашга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Деҳқон хўжалиқидиги кўп нарсани иқтисодий натижаларга, хўжалиқ хазинасининг бақувватлигига боғлиқ. «Деҳқон хўжалиқи тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 16-моддасида «Деҳқон хўжалиқининг маблағлари ва ҳисоб-китоблари», 25-моддасида эса «Деҳқон хўжалиқининг фаолияти натижаларини ҳисобга олиш» жуда қисқа, бор-йўғи икки сатрда баён қилинган. Шунинг учун ҳам бир-бирини инкор этмайдиган бу моддаларни бирлаштириб, қўйилгача таҳрирда берилишини таклиф қиламан: «Деҳқон хўжалиқи ўз фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиб боради ҳамда белгиланган солиқ имтиёзи муддати тугалайдиган сўнг солиқ интизомига кўра ҳисоб-китобларини ўз иш натижалари юзасидан юритишни қонун талаблари доирасида олиб боради». Менимча бу моддалар шу таҳрирда берилса деҳқон хўжалиқлари раҳбарлари, хўжалиқ аъзоларига тушунарли бўлади.

«Истиқбол» қишлоқ хўжалиқ ширкатлар уюшмаси аъзоси, ижарачи Қаҳрамон ЖУРАЕВнинг таклифи ҳам эътиборга молик. Утган йили ў раҳбарлик қилаётган оилавий пудрат жамоаси аъзолари 4 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан салкам 40 центнердан ҳосил йиғиштириб олишди. Бу ширкатнинг ўртача кўрсаткичидан 7 центнер кўп. Журавлар хонадони бу ҳосилни бошқа ердан ёрдамчи жалб қилмай етиштириб, йиғиштириб берди. Шунинг учун ҳам у ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда «Деҳқон хўжалиқи тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 7-моддаси 4-қисмини қуйидаги таҳрирда берилишини таклиф қилди. «Мазкур жойда камида уч йил мавоғида доимий яшиб келаётган оилалар ширкатлар, янги ташкил этилаётган деҳқон хўжалиқи учун томоғра ер участкаси ҳуқуқидан фойдаланадилар. Ижарачи «Оилалар» деган биргина сўзни қўйиб ширкат билан мазкур модданинг моҳияти анча оидинлашгандай. Бу ер участкаси оладиганларнинг масъулиятини янада оширади.

«Жалқ сўзи» мухбири Набижон СОБИР тайёрлади.

ҚОНУНЛАР ИСТИҚБОЛГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Учкўприк туманида Фарғона вилоят ҳокимлиги ва «Жалқ сўзи» газетаси таҳририятининг қишлоқ хўжалиқида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг муҳокамаси бўлиб ўтди.



да жуда кўп эътирозлар, муаммолар келиб чиқишига сабаб бўляпти. Шунинг учун ҳам шу соҳага дахлдор мухтасис сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» лойиҳасини қайта-қайта ўқиб чиқдим. Биринчи навбатда қонун лойиҳаси «Ер тўғрисида»ги қонунга нисбатан мукамаллиги, жаҳон андозаларига мос эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Шу билан бирга ўқиб мавоғида тутилган бир фикрни ўртага ташламоқчи эдим. Маълумки, лойиҳанинг 6-моддасида ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар, давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари ўз ифодасини топган. Шу модданинг 1-қисми 3-бандида, яъни «Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар, давлат ҳокимияти органларига, фуқароларга, юридик шахсларга эгаллик қилиш, фойдаланишга ёки ижарага ер бериш, шунингдек, тўдан яхшилаш ишлари амалга оширилган суғориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқари ерларни, ўрмонлар билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди ерларини: саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларни, сув фонди ерларини олиб қўйиш — ҳар бир ер эгасига ва ерлан фойдаланувчига 10 гектаргача» миқдориде деб ваколат берилган. Шу ўринда «олиб қўйиш» жумласидан сўнг «ва бериш» деган сўзлар ҳам қўшиб қўйилса, тушунарли ҳамда давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари янада аниқ ифода этилган бўларди.

— Хўжалигимиз ташкил этилганига бу йил 20 йил тўлади, — дейди Марказий Фарғона ерларида деҳқончилик қилаётган Ф. Шамсуддинов номли қишлоқ хўжалиқи ширкатлар уюшмаси бош ҳосилоти Ахроржон МАМАДИЕВ. — Бу йил 1662 гектар майдонда деҳқончилик қиламиз. Шундан 718 гектар майдонга чигит қадашни режалаштирганмиз. Уч йилдирки, хўжалигимизда режа уддаланмайдими. Бунга асосий сабаб қишлоқ хўжалиқидиги яхши манфаат бераётган янгиликларнинг далали қўлланмаётганлиги деб ҳисоблайман. Утган йили Дилшоджон Мирзоев бошлиқ фермер хўжалиғига 81 гектар ер ажратиб берилган эди. Чулқувар фермерлар ҳам чорвадан, ҳам бошоқди донадан мўл ҳосил етиштиришди. «Ер кодекси» лойиҳасининг 52-модда 2-қисмида «Фермер хўжалиқлари захира ерларига, махсус республика фонди ерларида, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган хўжалиқларда ва янгидан суғориладиган массивларда тузилади», дейилган. Шу сунти жумлани «Янги ўзлаштирилган, суғорилаган массивларда», деб таҳрир этилса, деган тақдирини эътиборингизга ҳавола қиламиз. Бунга асосий сабаб қишлоқ хўжалиқидиги яхши манфаат бераётган янгиликларнинг далали қўлланмаётганлиги деб ҳисоблайман. Утган йили Дилшоджон Мирзоев бошлиқ фермер хўжалиғига 81 гектар ер ажратиб берилган эди. Чулқувар фермерлар ҳам чорвадан, ҳам бошоқди донадан мўл ҳосил етиштиришди. «Ер кодекси» лойиҳасининг 52-модда 2-қисмида «Фермер хўжалиқлари захира ерларига, махсус республика фонди ерларида, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган хўжалиқларда ва янгидан суғориладиган массивларда тузилади», дейилган. Шу сунти жумлани «Янги ўзлаштирилган, суғорилаган массивларда», деб таҳрир этилса, деган тақдирини эътиборингизга ҳавола қиламиз. Бунга асосий сабаб қишлоқ хўжалиқидиги яхши манфаат бераётган янгиликларнинг далали қўлланмаётганлиги деб ҳисоблайман. Утган йили Дилшоджон Мирзоев бошлиқ фермер хўжалиқлари ташкил этиш ҳам ҳуқуқий кафолатланган бўлади.

Шундан сўнг муҳокамаи туман қишлоқ ва сув хўжалиқи бошқармаси бошқармаси Убайдулла ЭГАМОВ давом эттирди. — Муҳокама қилинаётган қонун ҳужжатларининг лойиҳалари бевосита агро-

лиши мумкин эмас» деган жумлаларни олиб ташлашни таклиф қиламан. Туман қишлоқ хўжалиқи ширкатлар уюшмаси ер тузувчи мухтасисни Анвар ТИРКАШЕВнинг таклифи ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортди. У ер тузувчи мухтасис ҳозирги кунда ер участкаларни ким ошди савдосида сотилаётганлигини эътиборга олиб, «Ер кодекси» лойиҳасининг 86-модда, 3-қисмидаги «Қишлоқ хўжалиқи ва ўрмон хўжалиқи ишлаб чиқаришдаги нобулгарчиликлар ўрни қуйдаги ҳолларда қопланмайди, яъни ер участкаларни яқна тартибда уй-жой куриш ҳамда уй-жойга хизмат кўрсатиш учун олиб қўйилмайди» деган таъбиҳининг «Ер участкаларни яқна тартибда уй-жой куриш (ким ошди савдосида сотиб олинган ерлардан ташқари) ҳамда уй-жойга хизмат кўрсатиш учун олиб қўйилганда» деган таҳрирда берилишини таклиф қилди.

ЯНГИЧА ҚАРАШ МЕЗОНИ

«Қишлоқ хўжалиқи кооперативи (ширкат хўжалиқи) тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасида биринчи бўлиб сўз олган «Учкўприк» ширкатлар уюшмасининг раиси, вилоят кенгаши депутаты Баҳромжон ЭРГАШЕВ қишлоқ хўжалиқи ширкатининг эски қолхозлар, жамоа хўжалиқларидан фарқи катта эканлигини алоҳида таъкидлаш билан бошладди. — Эски қолхозларнинг тузилиши, номига кооператив бўлгани билан давлат тизимлигига нақадар боғлиқлиги қолганлигини жуда яхши биламан. Биз амалда кооператив хўжалиқ элдиг-у, лекин хоҳиш-иродимизни асосан юқоридигилар кўринмас ишлар билан боғлаб олишган эди. Мен юқориде тилга олинган қонун лойиҳасини ўқиб чиқиб, янги ҳужжат

лиши ширкатлардан мол-мулкни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда сотиб олиш, ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш ҳуқуқига эга» дейилган, ҳолос. Шунинг учун ҳам мазкур моддани қуйидагича таҳрирда берилишини таклиф қилардим: «Қишлоқ хўжалиқи кооперативи (ширкат хўжалиқи) юридик ва жисмоний шахслардан мол-мулкни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда сотиб олиш, ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш, ўзига қарашли мол-мулкни юридик ва жисмоний шахсларга сотиш ҳамда топшириш; айриб олиш, ижарага бериш, агар қонун ҳужжатлари ва кооператив (ширкат) уставиде ўзига хос кўзда тутилган бўлмаса, уларни баланс ҳисобидан чиқаришга ҳақлиқдир».

«Наврўз» жамоа хўжалиқи назорат тафтиш комиссиясининг раиси Рафиқжон МУСАЕВнинг таклифи ҳам қисқа, ҳам лўнда бўлди: — Хўжалиқларда ҳисоботлар ўтказилишига алоҳида эътибор берилади. Ширкат аъзолари унда манфаатдорлик ҳисси билан қатнашдилар. Шунинг эътиборига олиб, «ширкат хўжалиқларининг умумий йиғилиши ҳар йили янги йиллик якуни ва молни йили тугатилган кейин ўтказиладиган» деган жумлаларини қўшиб қўйишни таклиф қилардим. Чунки, қонун лойиҳасининг 10-моддаси сунтига таъбиҳосида «Умумий йиғилиш ҳар йили молни йили тугатилган кейин ўтказиладиган» дейилган. Чунки, ярим йилликда умумий йиғилиш ўтказилса, тўпланиб қолган айрим муҳим масалалар, ширкат аъзоларининг юқори органи ваколатига кирадиган муаммолар ҳам тезда ҳал қилинган, навбатдан ташқари йиғилишлар ўтказилишига эҳтиёж қолмас эди.

— Мен ҳар тўрттада қонун лойиҳасини ҳуқуқшунос сифатида пухта ўрганиб чиқдим, — дейди туман қишлоқ ва сув

ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИҚЛАРИ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

Айни кунларда туманда 85 та деҳқон ва фермер хўжалиқлари фаолият кўрсатяпти. Улар ўз сафларига мингдан зиёд ишчи ва хизматчиларни бирлаштирган. Агар туманда 22 та тадбиркор «Бизнес-фонд» маблағларидан фойдаланаётган бўлса, уларнинг асосини учкўприклик фермерлар, деҳқонлар ташкил этишни қувонярилади.

«Лазизхон» фермер хўжалиқи раҳбари Аббосхон ЙҮЛДОШЕВ «Фермер хўжалиқи тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 4-боб, 19-моддасидан кўнгли тўлмаганлигини таъкидлади. Чунки фермер хўжалиқининг ҳисобот юритиши, солиқ интизомига риоя қилиши ҳуқуқий кафолатини топса, уларнинг масъулияти янада ошади. Айрим фермерлар ҳисоботларга эътибор бермасдан чалқашликларга йўл қўйиб қўйишлари туфайли ҳам фаолиятларини тўхтатиб қўйишяпти. Шунинг учун ҳам ушбу модданинг сунтига қуйидаги таклифлар киритилишини айтди: «Фермер хўжалиғига ўз иш натижалари ҳисоб-китоби Қонун талаблари асосида юритилади, статистика ҳисоботлари давлат статистика идоралари белгилаган шаклларда ва муддатларда тақдим этилади. Фермер хўжалиқиде шартнома мажбуриятлари, кредит-ҳисоб-китоб ва солиқ интизомий бузылганда интизомий, моддий ёки жоний жавобгарликка тортилади».

Айниқса, «Деҳқон хўжалиқи тўғриси-

нинг илғи тўқилгидан дарак беради. Илғи тўқ жониворлар элу юрта тўқ барак дөверинг. — Хонадон сохиблари билан суҳбатим давомида янада аниқроқ ҳис этдимки, чўпонларнинг турмуш тарзи табиат билан юзма-юз яшаганлари учун ҳам мароқли экан. Икромали аканинг коттан сўяги, полвондай сакт-сумбати, Марофат аянинг ажинсиз тиник юзлари, буларнинг баридан табиий соғломлик ёғилди.

Ахмад ота этган хонага ўтамиз. Мен у кишини ёстиққа ёнбошлаб қолган отахон деб ўйлабман. Қаршимизда юзикўзлари нулли, бардам-бақувват киши турарди. — Хорманг энди ота, яхши ўтирибсизми? — Худого шукур, болам. Мана 91 ёш билан ҳам юлашиб турибмиз. — Умрингиз узоқ бўлсин, Сизни ҳали ётмишга етмагандирсиз деб ўйлайди кўрган одам, — дейди Мавлуда она. — Тетиклим — меҳнатдан, Эсимни танганимдан буйн чўпонлики биламан. Тоғу тошлар, жониворлар, ўтуланлар юрғимга яқин бўлиб кетган. Хозир ҳам гаират қилсам икки-уч йиғитнинг ишини-ю шини кўрдим демаяман. Болаларим ҳам меҳнаткаш чикди. Аслида ота-бобомизнинг элдиги иззати ҳам меҳнаткашлик ва тадбиркорликдан эди. Икромали ўғлим, Исоқон ўғлим ҳам, уларнинг фарзандлари ҳам ота касбимизни ардоқлашяпти. Чўпонлар бағри кенг ҳал бўлади. Бизни йўқлаган кишиларни бошимизда тутганимиз келади. Хукуматимиз ва раҳбарларимизнинг эътибори эса кўнглимизни кўтарди. Раҳбарларнинг каттаси элу юрта меҳрибон бўлса, қолганлари ҳам шунга қараб қадам босади. Бугун биз ана шу меҳрибонликини сезамиз. Шу кунларимизга етказганига шукур. Илоҳим, энди юртимизнинг бошидан хайру барака аямисин. Ота дуога қўл очади.

Хамро Бону МУСУРМОНОВА.

Илҳом САФАР, Ўза мухбири.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Наманган вилояти Поп тумани ҳокими Муовини Мавлуда Аҳмадбоева тиниб-тинчимас, сарғайрат аёл. Хамиша одамлар ташвиши билан яшайди. Озгина фурсат топса, маҳаллаларгами, мактаб ва боғчаларгами — одамлар орасига ошиқади.

Бу сафар ҳам у кишини йўқлаб борганимда йўлга отланиб турган эканлар.

— Келганингиз яхши бўлди. Чоркесарда бир ота-хонимиз бор, эибрат қилиб келамиз, — деб қолдилар. Йўл-йўлакка эшитдим. Ахмад ака Азимов чўпонлар сулуласидан бири бўлиб, қўзғилати масмуида ҳам, жун топширишда ҳам тадбиркорлиги билан муСОбаба дошларини доғда қолдириб кетаркан.

Отарда бизни Икромали ака ва Марофат аялар кутиб олишди.

— Отамиз қўшини ҳаёда дам олайатилар, — дейди Икромали ака хикоятломуз. — Заларим бир умр чўпонлик тағини махкам тутдилар. Аслида бобомиздан мерос касб бу. У кишини Азим ота

Тўраев дейишарди. 1937 йилларда хориждан юртимизга ангор зотли эчкиларни олиб келган эканлар. Бу жониворларнинг яшаш ва юртимизга мослашиши учун бизнинг Чоркесар яйловлари мувофиқ деб топиларди. Илк келтирилган ангор эчкилари ўша пайтда донгдор чорвадор бўлган бобомизга топширилди. Эчкиларни боқиб кўпайтиришда у кишини анчагина меҳнат қилган эканлар. Шу масалалар Москватгача борган дейишарди, билганлар.

— Чўпонлиқнинг захматлари кўп. Қариндош-уруғдан узоқда яшаш қийин эмасми? Уларнинг иссиқ совуғидан гоҳ ҳабардор, гоҳ бехабар қола-сиз. Устига устак, табиат инжиқликлари ҳам бор. — Марофат аяни суҳбатга тортаман. — Чўпонлиқнинг бари зах-

мат эмас. Ота-бобомиз чўпон ўтган. Шу ҳаётга ўрганганимиз.

Ҳаётда исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат мавжуд. Ҳар бир инсон дунёнинг қай бурчида бўлмасин, мудома ўзининг тугилиб ўсган жойига, юртига талпиниб яшайди. Чунки Ватан туйғуси ана шу гўшадан бошланиб, аста-секин қамрови кенгайиб боради. Қалби бундай муборак туйғу билан лиммо-лим бўлган буюқ тарихий сиймолардан бири Имом ал-Бухорий эди. Аслида тўлиқ исми шарифи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (кейинчалик унга Имом сўзи ҳам қўшилиб айтила бошланган) бўлган ул зот ёшлагани ўзининг ноиб истеъдодини намойиш қила бошлади. Ҳадисшунослик илмининг дастлаб отаси Шайх Исмоилдан, сўнгра ўша даврнинг машҳур ҳадисшуноси алломулари — Шайх Доҳиллий, Исҳоқ Марвазий каби устозлардан ўрганган ва мустакил мутолаа билан машғул бўлди. Шайх Доҳиллий шогирдининг юксак истеъдодига ишонч ҳосил қилган, унга сен мусулмон ҳадисшунослик марказларида бориб мутолааани давом эттиришинг лозим, дея маслаҳат беради. Ёш Абдулла бу гапга амал қилиб бир неча йиллар мобайнида мусулмон олимнинг ҳадисшунослик марказларида ўз билимини оширади. Бу борада устозлар орттириб, улардан пухта таълим олади ва натижада машҳур ҳадисчи олим даражасига эришади. У бир неча юз минглаб ҳадисларни тўплаб, таҳлил қилиб, кўпини ет олади. Ниҳоят 25 ёшлар чамасида ўзининг шох асари бўлган «Ал-Жомий ас-Саҳийҳ» асарининг биринчи жилдини яратди. Ана шу тўрт жилдли китобда 7275 та ҳадис қамраб олинган, ўзининг аниқ таҳлилини ифодасини топанган. Унинг яна шу соҳани такомиллаштириб, тўлариб боровчи «Ал-Муфрат» китоби ҳам фойда дикҳатта моллик.

Тарихий манбаларда Имом ал-Бухорий бутун ҳаёти давомида қирққа ақин мукамал илмий асарлар ёзганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Лекин бизгача уларнинг атиги 23 таси етиб келган, холос. Алломанинг асарлари жуда кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган. У мусулмон ҳадисшунослик марказларида,



АЛЛОМА ҚАЛБИДА ВАТАН ТУЙҒУСИ

жумладан, Макка, Мадина, Басра, Бағдод каби жуда кўплаб марказий шаҳарларда яшаб, катта иззат-обрўга эришган бўлса-да, юрт соғинчи ҳаминча унинг кўнглида яшайди. Шу боис 58 ёшида она ватанга қайтади. Маълум муддат Бухорода яшаб, кейин Каттакўрғон, Янгикўрғон, Даҳабт орқали Хартанг қишлоғига етиб келади ва бу ердаги қариндошлари хонадониде умрининг охиригача тинч ҳаёт кечиради. Аллома Самарқанд ва унинг атрофидаги муқаддас жойларни ҳам зиёрат қилади.

Имом ал-Бухорий қирқ йилдан кўпроқ мусулмон дунёсини кезиб, минглаб ҳадисни тўплаб, уларнинг бир қисмини китобларга жойлади. Аллома бундай улуг хизматлари боис, мусулмон оламида Муҳаммад алайҳиссаломдан кейинги энг азиз ва мўътабар инсон сифатида беҳад ҳурмат билан тилга олинади. Қолаверса, Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти, ишлари ҳам пайғамбарлар йўлиларини эслатади. Ватандошимизга хош табиий ҳуусиятлар, унаги бетакор Ватан туйғуси дўстимиз Душан Файзийнинг «Имом ал-Бухорий» шеърини романида жоизабали тарзда тасвирланган:

*Тугилган тупроғим
унутмасмен ҳеч,
Бағрига қайтарман эртани
ё кеч.*

бир мунозарара эса: «Мен ўз шаҳримдан, тутилган элим», деб марғур сўзлайди. Хўкморга қараб, унинг ўз юртига жўнаб кетишининг маъқуллигини айтади. Чунки ҳар ким ўз азиз гўшасини, она туپроғини эълозлайди, унинг соғинчи билан яшайди. Она-Ватан озодлиги, тўқсон икки қавмни бирлаштириш, буюқ Ва-

танин келажаги хусусида ўйлайди, шу йўлда ҳаракат қилади:

*Шундай буюқ Ватан кўли
бўлиб ётса,
Ерга парчин бўлиб, кўл бўлиб
ётса.*

*Бедард лоқайдлигим
жонимдан ўтар,
Тўқсон икки қавмим,
Бирлашсанг нетар?*

Ватан туйғуси чин юракдан чиқади ва унинг шижоати бўлакча бўлади. Тарихда қанчадан-қанча довурак аж-долларимиз эл-юрт гамида азоб чекадилар, қийналадилар, аммо адолатсизликка таслим бўлмадилар. Чунки Ватан туйғуси уларнинг кўз олдига намоеъ бўлиб туради.

Орадан неча асрлар ўтса ҳамки, алломани бутун мусулмон олами севади, номини ардоқлаб, эълозлайди. Бу эса ватандошимизнинг Курьони Карим ва ҳадисларни таҳлил қилишда, шарҳлашда беназир бўлганлиги билан изоҳланади. Ҳадисшуносликда Имом ал-Бухорий ягонадир. Бунинг аломатининг замондошлари ва авлодлари баҳоси орқали ҳам аниқ тасаввур этиш мумкин. Имом ал-Бухорийнинг таъсири замондошлари асарларида ҳам, ундан сўнг яшган буюқ сиймога илмий-ижодий фаолиятида ҳам аниқ сезилиб туради. Жумладан, Маҳмуд аз-Замашарий илм-фанга қўшган беҳиссаси

билан Имом ал-Бухорийнинг йўлидан борди. Буюқ олим ўзининг бошқа қатор асарлари билан бирга, Курьони Карим тасвиқлари, ҳадисшунослик билан ҳам бевосита шуғулланди. У ҳам деярли мусулмон мамлакатлардаги илм-фан, жумладан ҳадисшунослик марказларида фаолият кўрсатди. Олимнинг машҳур асарларидан бири бўлган «Ал-кашишоф» асари Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомий ас-Саҳийҳ» асарига ўхшаш машҳурдир. Бунинг Маҳмуд аз-Замашарий ўзи ҳам алоҳида таъкидлайди:

*Чундан ҳам дунёда
таъсифлар жуда кўпдир,
Бирок, улар орасида «Ал-кашишоф»
кабиси йўқдир.
Агар ҳодот изласанг,
«Ал-кашишоф»
ни тақрир ўқи,
Нодонлик бир касал бўлса,
«Ал-кашишоф»
унга
шифодир.*

Маҳмуд аз-Замашарий Курьони Каримни ва ҳадисларни чуқур ўрганган эди. У «Ал-Жомий ас-Саҳийҳ» билан ҳам яқиндан таниш бўлган. Аниқроғи, «Ал-кашишоф» асари «Ал-Жомий ас-Саҳийҳ» асарига ўхшаш ёки шу йўлда, шу мазмунда ёзилганлиги аниқдир.

Ўтмиш малайнинг арбоблари, буюқ алломаларнинг деярли барчаси Курьони Карим тарғиботи ва ҳадисшунослик илми билан яқиндан шуғулланганлар. Жумладан, Аҳмад Юнақий, Имом ал-Бухорий, Маҳмуд Кошгарий, Маҳмуд аз-Замашарий ҳам Курьони Карим ва Ҳадис шариф каби асарлар билан яқиндан таниш бўлишган. Чунки «Ҳибатул ҳақойиқ», «Ал-Жомий ас-Саҳийҳ», «Ал-Кашшоф», «Девону луготит турк» каби асарларини умий хуусиятлар, ҳикматлар бунинг аниқ кўрсатиб турибди.

Назар РАЖАБОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

«ОЛИС КУМЛАРДАГИ МЎЪЖИЗАВИЙ САҲЪАТ ХАЗИНАСИ»

Яқинда Франциянинг Кан шаҳрида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Франция Президенти Жак Ширакларнинг ҳомийлигида ташкил этилган Нукус музейи мажмуидан иборат кўргазма ниҳосига етди. Кўргазма саҳъат илосманларидек катта қизиқиш уйғотди, француз матбуотида кўплаб эътирофли мақолалар чоп этилди. АҚШнинг етакчи газеталаридан бири «Нью-Йорк таймс» газетасида босилган кенг мақола ўзбек кўргазмасига бўлган катта қизиқишдан гувоҳлик беради.

«Олис кумлардаги мўъжизавий саҳъат хазинаси» — муаллиф Стефан Кинзер ўз мақоласини ана шундай номлади. Унинг таъкидлашича, Нукус музейи Ўзбекистонга келатган сайёҳлар учун чинакам зияратгоҳ бўлиб қолди. Бу ерда европалик ранг- тасвир санъати илосманларидек яқингача беҳабар бўлган авангард услубида ишланган асарларнинг бой тўплами мавжуд.

Журналист Нью-Йорк университети профессори Шарлотта Дугласнинг: «Бу ниҳоятда бой коллекция, хазинанинг ўзи», — деган фикрини келтиради. Бор маълумотлар асосида у Нукусда машҳур расмоларнинг гўзал ва аввалмабор санъатшуносларга унчалик маълум бўлмаган асарлари тўпланган.

Кинзернинг айтишига кўра, Нукус коллекциясининг илк кашшофи сифатида республика бўлиб кўп сафар қилган Франциянинг Ўзбекис-

тондаги элчиси Жан-Клод Ришар номини келтиради. У дипломатнинг «Мен музейга илк бор қадам рақида қилганимда ўзини мисоли эр-тақдаги горга кирган Али Бобо каби ҳис этдим. Дунёда бунакисини хали кўрганми йўқ эди. Ниҳадир қилиш керак, деган қарорга келдим», — деган сўзларини келтиради.

Жаноб Ришар Франциядан, шу жумладан, машҳур Луврдан ватанида Нукус музейи коллекцияси экспонатларидан иборат кўргазма ташкил этиш мақсадида мутахассисларни чакирди. Биринчилардан бўлиб бундай ишни Кан музейи ходимлари кўргазмани ташкил этиш ҳаражатларини ўз зиммаларига олишни тақлиф қилган ҳолда кўргазмани бошлаб бердилар.

Албатта, Францияда ўтган кўргазмани премьер-ера дейиш қийин, чунки уч йил илгари Нукус музейидан олинган футурист ва конструктивистларнинг исоти асари нукусон Германиянинг Хемниц шаҳридаги саҳъат музейида намойиш этилган эди. Аммо Германиядаги экспозиция фақат графикадан иборат бўлган бўлса, Қандаги кўргазма ўзининг бой ва ранг-баранглиги билан ажралиб турди. «Нью-Йорк таймс»даги мақоланинг сўнггида Америкадаги музейи ходимлари ҳам Нукус музейи мажмуи асарларидан иборат кўргазмани АҚШда ташкил этишга умид билдирилади.

Сергей ҚУРБОНОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.

ЎҚИНГ, БУ ФОЙДАЛИ!

ТАБИАТ МАЛҲАМИ

Инсоният билан табиатнинг ўзаро алоқаси жудаям мураккабдир. Табиат инсонни қийинтиради, ризқ-рўзини, емак-ичмагини таъминлайди ва даволайди. Улуг файласуф Сукрот айтганидек «қодим ойиш учун яшмайди, балки яшамок учун ойди». Демак, озик-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш табиий зарурат экан.

микдори 0,41 мг ни ташкил этади. Демак, иккинчи нав будғой уни аъло навли будғой унга нисбатан қарийб 2,5 баравар В1 витаминига бой экан. Будғой унинг юқори ва пастки навларида ана шундай фарқи В2 (рибофлавин), РР (никотин кислотаси) витаминлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу эса организмнинг В1, В2, РР витаминларига бўлган талабини қондириш учун рашономизга қўпроқ будғой унинг паст навларидан тайёрланган ёки жавдран ундан ёпилган нолларни киритишимиз зарурлигини кўрсатади.

Инсон истеъмол этадиган хилма-хил озик-овқат маҳсулотлари соғлиқ гаровидир.

Инсон фазони забт этаётган, ҳаётини ҳамма жаҳаларига компьютерлар ва робот техникалари кири келватган, илм-фан кўсак ривожланган ҳозирги даврда инсонни витаминлар ҳақида гапириб ҳайратлантириб бўлмаса-да, витаминлар-сиз тўлақонли ҳаёт кечириш қийин.

Витаминлари шартли равишда икки гуруҳга ажратилди: сувда эрийдиган ва ёғда эрийдиган. Сувда эрийдиган витаминлар қаторига — С, В1, В2, В6, РР, В12, Р, пантотен кислотаси, биотин, холинларни қўрсатиш мумкин. Ёғда эрийдиган витаминлар қаторига — витаминлар А, Д, Е, К, каротинларни киритиш мумкин.

Бундан ташқари, сабзавотлар таркибидagi витаминларнинг кам парчаланишини таъминлайдиган овқат тайёрлаш жараёнларини қўллашни ҳам унутмаслигимиз керак. Масалан, буёлаб пиширилган сабзавотларда ковариб пиширилган сабзавотларга нисбатан С витамини микдори 1,5 — 2 баравар кўп бўлиши аниқланган.

Қиш пайтларида ҳар бир оила азосининг провитамин А (каротин) га бўлган талабини қондириш учун олма, ўрик, шафтоли, хурмо меваларидан тайёрланган мураббо, жем маҳсулотларини истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир. Консервалаш жараёнида витаминларнинг бир қисми парчаланиб кетса-да, консерва маҳсулотлари киш пайтларида организмни витаминлар билан таъминловчи қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, ҳозирги кунда деярли ҳамма витаминларни санаят мик-ёсида синтез қилиш усули яратилган. У ҳолда, табиий организм учун зарур витаминларни дорихоналарда сотилаётган синтетик витаминлар ҳисобига тўлдирса бўлмайди, деган ҳақиқат савол тугийлади. Аввало шунини таъкидлаш зарури, синтетик витаминлар табиий маҳсулотлардаги витаминлар ўрнини боса олмайдилар. Дорихоналарда сотилаётган витаминларни узлуқсиз истеъмол қилиш ноҳусоқиятларга олиб келиши мумкин. Бу витаминларни фақат врач тавсияси асосидагина истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, юқоридagi тавсияларга амал қилиш инсон учун эил зарур бўлган соғлигимизни мустаҳкамлашдек муҳим вазифага озроқ бўлса-да ёрдам беради, деган умид-дамиз.

Инсон организмни учун микдор жиҳатидан кўп талаб қилинадиган ва энг зарур витаминлардан бири С витамини (аскорбин кислотаси) ҳисобланади. Бу витамин кўп қиррали аҳамияти билан бошқа сувда эрувчи витаминлардан ажралиб туради. Организмда С витамини етишмаса, қон томчилари фаолияти бузилади, масалан, тиш милқлари қонайдиган бўлиб қолади, тери қатламларига қўн қўйилади, организмнинг ҳар хил касалликларга қарши курашиш қобилияти кескин сустайиб, одам бад-бадам ҳар хил дардларга чалинадиган бўлиб қолади ва ҳоказо.

Витаминларнинг инсон организм учун ниҳоятда зарурлигини яна

Р. НОРМАХМАТОВ,
Самарқанд кооператив институтини доценти.

ҲУҚУҚШУНОСЛАРНИНГ ЯНГИ ЖУРНАЛИ

«Хуқуқ-Право» деб номланган янги илмий-назарий юридик журналнинг биринчи сони босмадан чиқди. Уни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси нашр этмоқда.

Республикада демократияни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий давлат қуриш шароитида янги журналнинг нашр этилиши ўта муҳим воқеадир.

Ноширлар журнал саҳифаларида жамиятимизда содир бўлаётган иқтисомий жараёнлар ҳамда Ўзбекистонда ву-жудга келатган ҳуқуқий вазиятни, суд ислоҳоти қандай амалга ошириляётгани, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолияти, шунингдек ҳуқуқий давлат қуриш масалаларига оид фикр-мулоҳазаларни акс эттиришни, жа-ҳондаги бошқа мамлакатларнинг юридик фан соҳасида эришган ютуқларини илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳ-лил қилишни мақсад қилиб қўйганлар. Журналда ҳуқуқшу-нос олимлар ва мутахассисларнинг ҳуқуқнинг жинсий, жи-ноий-процессуал, меҳнат, оилавий ва бошқа тармоқларда олиб борган илмий-назарий тадқиқотлари натижалари ва амалий ишларини кўрсатиб берадиган материалларга катта эътибор берилди.

Журналнинг биринчи сони Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматовнинг журналхонларга мурожаати билан очилди. Республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов мамлакатимиз таракқиётининг ҳозирги босқичида янги тусдаги парла-мент иши тўғрисида ҳикоя қилади. Юридик фанлари докторлари, профессорлар У.Тожиқонов ва А. Саидовнинг мақоласи ҳуқуқий маданиятнинг назарий муаммоларига бағишланган. Юридик фанлари доктори А. Ёқубов, профессор Р. Қажомов ва бошқа муаллифларнинг мақолалари-да инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг долзарб масала-лари ўртага қўйилган.

Уқувчилар журналнинг дастлабки сониде, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги акаде-мияси ва бошқа юридик олий ўқув юрларида амалга оши-риляётган энг янги илмий-тадқиқотлар, қонунчилик соҳа-сидаги ишланмалар, тайёрланаётган қонунлар лойиҳалари, хорижий давлатларнинг юридик фан соҳасидаги илгор таж-рибаси, ҳуқуқшуносликнинг турли муаммоларига бағиш-ланган сўнги наширлар ҳақидаги ахборотлар билан ҳам танишадилар.

Бундан ташқари, журналда мутахассисларнинг янги қонунлар, бозор муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тар-тибга солиш тўғрисидаги фикрлари билан танишиш, ҳуқуқ соҳасида тадқиқот олиб бораётган аспирант ва адъюнк-тларнинг мақолаларини ўқиш, республиканинг етакчи юрист ва файласуфлари ҳаёти ҳамда ижоди тўғрисидаги қизиқар-ли материалларни учратиш мумкин.

Ўзбек ва рус тилларида чиқа бошлаган «Хуқуқ-Право» журнали ҳуқуқий фанининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, қонун чиқариш, халқро ҳуқуқ, бозор муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқий тарбия, экология, хорижий ҳуқуқшунос-лик каби соҳалари билан қизиқувчи талабчан журналхон-ларнинг истақларига мос келадиган илмий-назарий нашр бўлиб қолади, деб ишонамиз.

(Газетанинг навбатидеги сони 5 апрель, якшанба кунин чиқади).



АҲИЛ УЙДА БЕШИК БЎШАМАС

Мана бу суратда, паркетлик Аҳмариддин Низомовнинг хатти-ҳаракатларига қараб, қалбини бешиқиб болалик хотиралари алағай бошлайди. Аслида Аҳмариддин ака ҳам бу касбни ўз-ўзидан ўрганиши йўқ. Бу сулоланинг қаромати. Энди у ҳам ўз навбатида бешиқсизликни фарзандларига, невараларига ўрнатмоқда. Аҳил уйда бешиқ бўшамас, деганларидек уларнинг маҳсулотлари кун сайин харидорлар бўлиб бораёттир. Зеро, элга хизмат қилган киши ҳеч қачон хор бўлмағай.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ ЮТУГИ

Қозоғистонда қондасиз, тўла куч билан олишув кура-ши бўйича профессионал спортчилар ўртасида Евро-осиё очик чемпионати ниҳосига етди. Бу турнирда Ўзбе-кистондан Тошкентдаги «Биллур» клубининг уч спорт-чиси — Шавкат Уроқов, Ак-мал Ақромов ва Владислав Резник иштирок этиди.

Спортчиларимизнинг бар-часи юртимизга медал билан қайтди. Вазни 85 килограм-гача бўлган спортчилар ора-сида Шавкат Уроқов чемпи-он бўлди. Акмал Ақромов шу тоифада 3-ўринни эгаллаб, бронза медални билан тақри-рланди.

Оғир вазнлилар ўртасида Владислав Резник билан тенглашадиган спортчи то-пилмади. У олтин медални қўлга киритди.

Шавкат Уроқов билан Владислав Резникка профес-сионал спортчилар ўртасида Евроосиё чемпиониинг но-ми ёзилган қамар берилди.

Республикамиз терма ко-мандаси команда ҳисобида Россия ва Қозоғистон коман-даларини орқда қолдириб, биринчи ўринни эгаллади.

(ЎЗА)

ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ

ТИФЛОКС

Бактерияга қарши восита қўйилган вазиятларда қўлланилади:

- ич тирлама;
- септицемия;
- инфекция;
- сийдик-жинсий;
- сувқар, бунинлар;
- қуйи нафас йўллари;
- тери, юмшоқ сирт;
- иммунитетни сустайган бемор-ни профилактика қилиш.

5-7 кун давомида кунига 2 маҳал 1,2 ёки 3 таблетка

УН, ШАҚАР, ЦЕМЕНТ ВА БОШҚА МАҲСУЛОТЛАР УЧУН

Янги универсал

ПОЛИПРОПИЛЕН ҚОПЛАР

сотилади.

Туркиядаги ишлаб чиқарувчи фабрикалардан турердан-тўри келтирилган. Ички целлофан қопламали ҳамда қопламасиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 мартдаги 125 сонли қарори билан «Узуғтуржамеасабзавот» Акцио-нерлик компаниясининг Марказий аппарати тугатилди. Барча арiza ва дилволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой ичида Тошкент шаҳри, Амр Темуր кўчаси, 60-а уйда қабул қилинади.

ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:

Парламент 133-57-34;
Хуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Истеъмодат 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85;
Маълумот 136-35-60, 132-10-65;
Халқаро 136-29-89, 131-07-48;
Фан, нурилик, спорт ва харбий ватанпарвар-лик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибахона 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 01138, 42797 нуҳада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида бошилган.
Қоғаз бичими А — 2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

С. МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Жалил.
Навбатчи — М. Азимов.
Муасхадх — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа кошерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти — 21.00 Босишга тоширилади: 21.55 1 2 3 4 5 6